

ISSN 2181-5674

PROBLEMS OF
BIOLOGY *and*
MEDICINE

БИОЛОГИЯ *ва*
ТИБИЁТ
МУАММОЛАРИ

2023, № 3.1 (145)

МИНИСТЕРСТВО ЗДРАВООХРАНЕНИЯ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

PROBLEMS OF
BIOLOGY AND MEDICINE

БИОЛОГИЯ ВА ТИБИЁТ
МУАММОЛАРИ

ПРОБЛЕМЫ БИОЛОГИИ
И МЕДИЦИНЫ

Научный журнал по теоретическим и практическим
проблемам биологии и медицины
основан в 1996 году

Самаркандским отделением
Академии наук Республики Узбекистан
выходит один раз в 2 месяца

Главный редактор – Ж.А. РИЗАЕВ

Редакционная коллегия:

*Н.Н. Абдуллаева, Д.Ш. Абдурахманов, Т.У. Арипова,
Т.А. Аскarov, Ю.М. Ахмедов, А.С. Бабажанов,
С.А. Блинова, С.С. Давлатов, А.С. Даминов,
Ш.Х. Зиядуллаев, З.Б. Курбаниязов (зам. главного
редактора), К.Э. Рахманов (ответственный секретарь),
Б.Б. Негмаджанов, М.Р. Рустамов, Э.Н. Ташкенбаева,
Ш.Т. Уроков, Н.А. Ярмухамедова*

*Учредитель Самаркандский государственный
медицинский университет*

2023, № 3.1 (145)

Адрес редакции:

Республика Узбекистан, 140100,
г. Самарканда, ул. Амира Темура, 18.

Телефон:

(99866) 233-36-79

Факс

(99866) 233-71-75

Сайт

<http://pbim.uz/>

e-mail

pbim@pbim.uz

sammi-xirurgiya@yandex.ru

О журнале

Журнал зарегистрирован
в Управлении печати и информации
Самаркандской области
№ 09-26 от 03.10.2012 г.

Журнал внесен в список
утвержденный приказом № 219/5
от 22 декабря 2015 года реестром ВАК
при Кабинете Министров РУз
в раздел медицинских наук

Индексация журнала



Подписано в печать 27.05.2023.

Формат 60×84 1/8

Усл. п.л. 56.96

Заказ 62

Тираж 50 экз.

Отпечатано в типографии СамГМУ

140151, г. Самарканда,

ул. Амира Темура, 18

Редакционный совет:

Х.А. Акилов	(Ташкент)
М.М. Амонов	(Малайзия)
О.А. Атаниязова	(Нукус)
Б.А. Дусчанов	(Ургенч)
А.Ш. Иноятов	(Ташкент)
А.И. Икромов	(Ташкент)
А.К. Иорданишвили	(Россия)
Б. Маматкулов	(Ташкент)
Ф.Г. Назиров	(Ташкент)
А.Ю. Разумовский	(Россия)
В.М. Розинов	(Россия)
Л.М. Рошаль	(Россия)
Ш.Ж. Тешаев	(Бухара)
А.М. Шамсиев	(Самарканда)
А.К. Шодмонов	(Ташкент)
Б.З. Хамдамов	(Бухара)
М.Х. Ходжибеков	(Ташкент)
Diego Lopes	(Италия)
Jung Young Paeng	(Корея)
Junichi Sakamoto	(Япония)
May Chen	(Китай)
Rainer Rienmuller	(Австрия)
Sohei Kubo	(Япония)

Шермухамедова Г.Т., Тажиева Н.У.
Болаларда инфекцион мононуклеозда жигар зарарланишининг клиник хусусийатлари

Шодиева Д.А.
Клиническая характеристика ботулизма в зависимости от степени выраженности ботулинической интоксикации

Эгамова И.Н., Рахимова В.Ш., Ярмухамедова Н.А.
Роль полиморфизма IL28B при коинфекции ВИЧ и ВГС

Элмуродов Б.А., Курбонов Ф., Киямова З.
Паррандаларнинг юқумли аралаш касаллклари

Эргашева М.Я.
Самарқанд ва Тошкент вилояти кесимида энтеровирусли менингитлар этиологик ва эпидемиологик жиҳатларини таҳдил қилиш

Эргашева М.Я., Субхонова С.К., Матякубова Ф.Э., Раббимова Н.Т.
Сравнительная характеристика лабораторных данных у больных с COVID-19

Эсамуратов А.И., Каримова М.А.
Ps.Aeruginosa ва S.Aureus чакирган сурункали йирингли ўрта отитда қўзғатувчиларнинг антибиотикларга сезгиригини аниқлаш натижалари

Юсупов М.И.
Гемолитик эшериҳиоз билан касалланган болаларда цитокинлар ва E.Coli нинг антибиотикларга нисбатан резистентлигининг боғлиқлиги

Ярмухамедова М.К., Якубова Н.С., Кучкарова Ш.А.
Самарқанд вилояти худудида вирусли гепатит «В» вирусини молекуляр генетик хусусияти

Ярмухамедова М.К., Якубова Н.С., Кучкарова Ш.
Самарқанд вилояти аҳолисининг – TORCH инфекцияларига хос антителаларни аниқлаш частотаси бўйича гуморал иммун жавоб скрининги

Ярмухамедова Н.А.
Распространение клещевых риккетсиозов в современных условиях в Республике Узбекистан

- | | |
|------------|---|
| 449 | <i>Shermukhamedova G.T., Tajieva N.U.</i>
Clinical features of liver damage in infectious mononucleosis in children |
| 452 | <i>Shodieva D.A.</i>
Clinical characteristics of botulism depending on the degree of expression of botulinic intoxication |
| 455 | <i>Egamova I.N., Rakhimova V.Sh., Yarmukhamedova N.A.</i>
Role of IL28B polymorphism in HIV and HCV coinfection |
| 458 | <i>Elmurodov B.A., Kurbonov F., Kiyamova Z.</i>
Mixed infectious diseases of avian |
| 461 | <i>Ergasheva M.Ya.</i>
Analysis of etiological and epidemiological aspects of enterovirus meningitis in the section of samarkand and tashkent regions |
| 465 | <i>Ergasheva M.Ya., Subkhonova S.K., Matyakubova F.E., Rabbimova N.T.</i>
Comparative characteristics of laboratory data in patients with COVID-19 |
| 468 | <i>Esamuratov A.I., Karimova M.A.</i>
Results of determination of sensitivity to antibiotics in chronic purulent otitis media caused by Ps.Aeruginosa and S.Aureus |
| 473 | <i>Yusupov M.I.</i>
The relationship of cytokines and antibiotic resistance of E. Coli in children with hemolytic escherichiosis |
| 477 | <i>Yarmukhammedova M.K., Yakubova N.S., Kuchkarova Sh.A.</i>
Samarkand region territorial hepatitis B virus molecular genealogical virus character |
| 480 | <i>Yarmukhammedova M.K., Yakubova N.S., Kuchkarova Sh.</i>
Screening of humoral immune response on the frequency of detection of specific antibodies to TORCH-infections of the population of samarkand region |
| 483 | <i>Yarmukhamedova N.A.</i>
Distribution of ticks-based rickettsiosis under modern conditions in the Republic of Uzbekistan |

БОЛАЛАРДА ИНФЕКЦИОН МОНОНУКЛЕОЗДА ЖИГАР ЗАРАРЛАНИШИНинг КЛИНИК ХУСУСИЙАТЛАРИ

Шермухамедова Гуландомхон Тажиевна, Тажиева Нигора Убайдуллаевна

Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш.

КЛИНИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ПОРАЖЕНИЯ ПЕЧЕНИ ПРИ ИНФЕКЦИОННОМ МОНОНУКЛЕОЗЕ У ДЕТЕЙ

Шермухамедова Гуландомхон Таджиевна, Таджиева Нигора Убайдуллаевна

Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр эпидемиологии, микробиологии, инфекционных и паразитарных заболеваний, Республика Узбекистан, г. Ташкент

CLINICAL FEATURES OF LIVER DAMAGE IN INFECTIOUS MONONUCLEOSIS IN CHILDREN

Shermukhamedova Gulandomkhon Tajievna, Tajieva Nigora Ubaydullaevna

Republican Specialized Scientific and Practical Medical Center for Epidemiology, Microbiology, Infectious and Parasitic Diseases, Republic of Uzbekistan, Tashkent

e-mail: dr.shermukhamedova@bk.ru

Резюме. Ушбу мақолада 1-шаҳар юқумли касалликлар шифохонасида 2019-2022 йиллар оралигида инфекцион мононуклеоз ташхиси билан даволанган 120 нафар болаларнинг проспектив тадқиқоти (ҳолат-ҳолат) ўтказилди. Олинган натижаларга кўра, инфекцион мононуклеоз 72,5% ҳолатларда ЭБВ, 23,3% – ЦМВ ҳамда 4,2% ҳолатларда ОГВ-б қелтириб чиқарди. Инфекцион мононуклеозда жигарнинг заарланиши 78,3% ҳолатларда шаклланаб, 25,8% ҳолатларда сариқлик синдроми, қон зардобида АЛТ қийматининг 3 баробаргача кўтарилиши билан намоён бўлади ҳамда унинг учраши даражаси этиологик омила боғлиқ: ЭБВ этиологиясида - 75,9% ҳолатларда, ЦМВ этиологиясида - 100,0% ҳолатларда юзага келади, ОГВ-б вируси учун жигар заарланиши белгилари хос эмас. ЦМВ этиологияли ИМН да сариқлик синдромининг юзага келиши эҳтимоли ЭБВ га нисбатан 13 баробарга юқори ҳамда паренхематоз сариқлик кузатилади, ЭБВ этиологияли ИМН га гемолитик сариқлик.

Калим сўзлар: инфекцион мононуклеоз, жигар, болалар.

Abstract. In this article, a prospective study (case-control) of 120 children treated with a diagnosis of infectious mononucleosis in the 1st city hospital of infectious diseases between 2019-2022 was conducted. According to the results, infectious mononucleosis is caused by EBV in 72.5% of cases, TsMV in 23.3% and OGV-6 in 4.2% of cases. In infectious mononucleosis, liver damage is formed in 78.3% of cases, and in 25.8% of cases it is manifested by jaundice syndrome, an increase in ALT value in blood serum up to 3 times, and the degree of its occurrence depends on the etiological factor: in EBV etiology - in 75.9% of cases, in TsMV etiology - 100 Occurs in 0% of cases, symptoms of liver damage are not typical for OGV-6 virus. In TsMV etiology IMN, the probability of jaundice syndrome is 13 times higher than in EBV and parenchymatous jaundice is observed, hemolytic jaundice in IMN of EBV etiology.

Key words: infectious mononucleosis, liver, children.

Долзарблиги. Инфекцион мононуклеозни ўрганишнинг долзарблиги қўзғатувчининг ахоли орасида юқори даражада айланиб юриши, герпесвирусларни иммунокомпетент ҳужайраларга нисбатан махсус троплиги, вируснинг организмда умрбод айланиб юриши билан боғлиқ [1]. Дунё бўйлаб одамларнинг 95% дан ортиғи, асосан саноати ривожланган мамлакатларнинг ижтимоий-иктисодий гурухлари Эштейн – Барр вируси билан заарланган [2].

Шунга кўра, **тадқиқот мақсади** болалардаги инфекцион мононуклеозда жигар заарланишининг клиник хусусиятларини ўрганиш бўлди.

Тадқиқотнинг материал ва усуллари. Ҳолат-назорат (ҳолат-ҳолат) проспектив тадқиқотида 2019-2022 йиллар давомида 1-шаҳар юқумли касалликлар шифохонасида инфекцион мононуклеоз ташхиси билан даволанган 120 нафар bemорлар клиник назорати ўтказилди. Тадқиқотга 18 ёшгача бўлган, тадқиқотда иштирок этишга ота-онаси розилик берган, ИФТ натижаларида инфекцион мононуклеоз ташхиси

тасдиқланган bemорлар киритилди. Анамнезида онкологик, гематологик, жигар, буйрак ва юрак томонидан сурункали касалликлари бўлган bemорлар, тадқиқотда иштирок этишга розилик бермаган ҳамда ИФТ натижаларида касаллик тасдиқланмаган bemорлар, 18 ёшдан катталарап тадқиқотга киритилмади. Инфекцион мононуклеоз ташхисини тасдиқлаш максадида bemорлар кон зардоби ИФТ усулида Эштейн-Барр вирусига (ЭБВ) қарши антитанача IgM, цитомегаловирусга (ЦМВ) қарши антитанача IgM, оддий герпес вируси 6 (ОГВ-6) га қарши антитанача IgM, ОГВ-7 га қарши антитанача IgM аниқланди.

Тадқиқот натижалари. Кузатувдаги 120 нафар bemорлар орасида статистик ишонарли даражадаги гендер фарқ кузатилмади ($P>0,05$), болаларнинг 57,5% (69) ўғил болалар ҳамда 42,5% (51) кизлар ташкил килди. Биз, тадқиқотда кузатувдаги bemорлар кон зардобининг ИФТ тахлил натижаларини ўргандик, бунга кўра, умумий болаларнинг 87 нафарида (72,5%) – кон зардобида ЭБВ га қарши антитанача IgM

аниқланган ва ушбу беморлар тадқиқотнинг биринчи гурухини ташкил қилди, 28 нафарида (23,3%) – ЦМВ га қарши антитанача IgM аниқланган ва ушбу беморлар тадқиқотнинг иккинчи гурухини ҳамда фақатгина 5 нафарида (4,2%) ОГВ-6 га қарши антитанача IgM аниқланган, бу беморлар тадқиқотнинг учинчи гурухини ташкил қилди. Беморларнинг барчаси касалхонага иситма (74,2%), томоқда оғрик (100,0%) шикояти билан мурожаат қилишган. Кўрик вақтида беморларнинг 95,0% жағ ости, олдинги бўйин ва орқа бўйин лимфа тугунларининг катталashiши, 3,3% юқоридагилар билан бир каторда қўлтиқ ости лимфа тугунининг ҳам катталashi, 1,7% эса фақатгина жағ ости лимфа тугунининг катталashiши аниқланди. 3,3% беморларнинг ёноғи, танасининг орқаси, қўллари ва оёклари терисига розеолёз тошма бўлиб, тошма қичишмаган ва 2-3 кунда изсиз йўқолиб кетган. Беморларнинг 78,3% (94) гепатомегалия, 36,7% (44) яна спленомегалия ҳам аниқланди. Жигар УТТ текшируvida беморларнинг 78,3% да жигарда ўткир яллигланиш жараёни аниқланди. Тадқиқот гурух беморларида жигар заарланиш белгилари ўзаро қиёсий тахлил этилди, олинган натижаларга кўра, биринчи гурух беморларининг 75,9% (66) да касаллик гепатомегалия ҳамда 20,7% (18) да спленомегалия билан кечди. Иккинчи гурух беморларида ушбу кўрсаткич қиймати мувоғиқ равища 100,0% (28) ва 92,9% (26) ташкил қилди. Учинчи гурух беморларига гепато – ва спленомегалия белгиси хос бўлмади. Инфекцион мононуклеознинг этиологик омили ЦМВ бўлган беморларда гепатомегалияниң учраш эҳтимоли, этиологик омили ЭБВ бўлган гурух беморларига нисбатан 9 баробарга юқори бўлди (ИН (имкониятлар нисбати) = 8,909: 95,0% ИШ (ишонч интервали) = 1,1 – 69,5) ҳамда ушбу фарқ статистик ишонарли даражада бўлди (Йетес тузатиш билан $\chi^2 = 4,8$; P<0,05). Спленомегалияниң учраш эҳтимоли ҳам иккинчи гурух беморларида биринчи гурухга нисбатан статистик ишонарли равища ($\chi^2 = 46,8$; P<0,001) 50 баробарга юқори бўлди (ИН = 49,8: 95,0% ИШ = 10,8 – 220,8). Беморларнинг динамикадаги назоратида, касалликнинг ўртача $5,2 \pm 0,98$ кунига келиб, кузатувдаги 120 нафар беморларнинг 25,8% (31) да тери ва шиллиқ қаватларнинг сарғайиш белгиси қўшилди. Ушбу беморларнинг катта қисми – тадқиқот гурухининг иккинчи гурухига тўғри келди – 19 нафар (ушбу гурухнинг 67,9%). Қолган 12 нафари биринчи гурух беморлари бўлди (ушбу гурухнинг 13,8%). Сариқлик белгисининг учраш эҳтимоли иккинчи гурух беморларида биринчи гурухга нисбатан 13 баробарга юқори бўлди (ИН = 13,1: 95,0% ИШ = 4,9 – 35,9) ҳамда гурухлар ўртасидаги фарқ статистик ишонарли равища бўлди ($\chi^2 = 31,4$;

P<0,001). Тадқиқот гурухидаги беморларда қон зардобининг биокимёвий тахлил натижалари қиёсий равища ўрганилди. Олинган маълумотларга кўра, биринчи гурух беморлар 70 (80,5%) нафарининг қон зардобида АЛТ ферментининг меъёрдан кўтарилиганилиги аниқланди. Ушбу беморларда АЛТ нинг ўртача қиймати $117,4 \pm 3,2$ ЕД/л бўлди. Биринчи гурухдаги 4 нафар беморларда гепатомегалия белгиси бўлмасада, қон зардобида АЛТ қийматининг ортганлиги аниқланди. Иккинчи гурухдаги беморларнинг барчасида (100,0%) АЛТ миқдорининг кўтарилиганилиги аниқланди ҳамда ўртача қиймат $129,7 \pm 2,8$ ЕД/л бўлди. Гурухлар ўртасидаги фарқ статистик ишонарли даражада бўлиб, этиологияси ЦМВ бўлган беморларда цитолитик синдром этиологияси ЭБВ бўлган беморларга нисбатан юқори бўлди (P<0,05). Тадқиқот гурухидаги умумий беморлар 37 (30,8%) нафарининг қон зардобида умумий билирубин қийматининг ошганлиги аниқланди, ушбу беморларнинг 14 нафари биринчи гурух беморлари бўлиб, уларда умумий билирубиннинг ўртача қиймати $75,6 \pm 1,2$ мкмоль/л бўлди, бу беморларнинг 11 нафарида умумий билирубиннинг 75,0% боғланмаган билирубин ташкил қилди (ўртача $52,2 \pm 0,98$ мкмоль/л). З нафарида эса умумий билирубиннинг катта қисмини боғланган билирубин ташкил қилди (ўртача $32,3 \pm 1,2$ мкмоль/л). Тадқиқотнинг иккинчи гурух беморларида умумий билирубин қиймати ошган 23 нафар беморларда унинг ўртача қиймати $78,9 \pm 0,8$ мкмоль/л бўлди, барча беморларда боғланган билирубин фракцияси етакчи бўлди (ўртача $59,2 \pm 0,43$ мкмоль/л). Тадқиқотдаги биринчи ва иккинчи гурухлар ўртасида умумий билирубин қийматининг ортиши тахлил қилинганида, гурухлар ўртасида статистик ишонарли фарқ аниқланмади (P>0,05). Аммо биринчи гурухдаги беморларнинг катта қисмida умумий билирубин боғланмаган фракция ҳисобига кўтарилиган бўлса, иккинчи гурух беморларида боғланган фракция ҳисобига ортиди (P<0,05). Бундан кўриниб турибдики, ИМН нинг этиологик омили ЭБВ бўлган ҳолатларда гемолитик сариқлик етакчи бўлган бўлса, ЦМВ этиологияли иккинчи гурухда паренхематоз сариқлик бўлди.

Мухокама. Ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, инфекцион мононуклеоз кўпгина адабиётларда келтирилганидек гендер фарқка эга эмас. Инфекцион мононуклеознинг этиологик омили ўрганилганида, Тошкент шаҳрида инфекцион мононуклеозни 72,5% ҳолатларда ЭБВ, 23,3% – ЦМВ ҳамда 4,2% ҳолатларда ОГВ-6 келтириб чикаради. Келтирилган адабиётлардан фарқли равища бизнинг тадқиқотдаги беморларда ОГВ-7

аниқланмаган. Дроздова Н.Ф. ва ҳаммуаллифлар (2018) фикрича, ИМН нинг 50,0% ҳолатларида ўткир гепатит шаклланади. Аммо, бизнинг тадқиқот натижаларига кўра, ушбу кўрсаткич 78,3% ни ташкил қилди ҳамда ўткир гепатит ривожланиш даражаси этиологик омилга боғлик бўлди, ЭБВ келтириб чиқарган инфекцион мононуклеозда гепатомегалия 75,9% ҳолатларда шаклланса, ЦМВ келтириб чиқарган ИМН да 100,0% ҳолатларда кузатилади, ОГВ-6 вируси учун гепатомегалия хос бўлмади. Тадқиқотимизнинг ўртача $5,2 \pm 0,98$ кунига келиб, беморларнинг 25,8% да тери ва шиллик қаватларнинг саргайиш белгиси кўшилди. Сариқлик белгисининг учраш эҳтимоли иккинчи гурух bemорларида биринчи гурухга нисбатан 13 баробарга юкори бўлди ($\chi^2 = 31,4$; $P < 0,001$). Адабиётларда ушбу кўрсаткич 45,0% ташкил қилади (Дроздова Н.Ф. ва ҳаммуаллифлар (2018). Шу билан бирга, этиологияси ЦМВ бўлган bemорларда цитолитик синдром ҳам этиологияси ЭБВ бўлган bemорларга нисбатан юкори бўлди ($P < 0,05$). Зайцев, И.А. (2016) таъкидлашича, ИМН да зардоб ферментлари 10-20 баробаргача кўтарилади, аммо бизнинг bemорларда АЛТ қиймати меъёрга нисбатан фақат 3 баробарга кўтариленлиги аниқланди. Тадқиқотдаги гурухлар ўртасида умумий билирубин қиймати бўйича статистик ишонарли фарқ аниқланмади ($P > 0,05$). Аммо биринчи гурухдаги bemорларнинг катта қисмида умумий билирубин боғланмаган фракция хисобига кўтариленган бўлса, иккинчи гурух bemорларида боғланган фракция хисобига ортди ($P < 0,05$). Бундан кўриниб турибиди, ИМН нинг этиологик омили ЭБВ бўлган ҳолатлarda гемолитик сариқлик етакчи бўлган бўлса, ЦМВ этиологияли иккинчи гурухда паренхематоз сариқлик бўлди. Дроздова Н.Ф. ва ҳаммуаллифлар (2018) таъкидлашича, ИМН да ўта кам ҳоалтларда (0,5–3%) умумий билирубин микдорининг кўтарилиши аутоиммун гемолитик анемия хисобига келиб чиқади, бунда келиб чиқиши вирус бўлган фрагмент эритроцит мембронасига фиксatsяланди. Ҳосил бўлган гаптенлар қизил қон танаачаларини иммун тизим учун нишон – ёт хужайрага айлантириб қўяди, натижада гемолиз кузатилади. Гемолиз асосан жигарнинг экстраваскуляр мононуклеар фагоцитар тизим ҳамда талоқнинг ретикулогистиоцитар тизим ҳужайраларида юзага келади. Олинган натижаларга кўра, ЭБВ этиологияли ИМН да аутоиммун жараён хисобига гемолиз, унга боғлик равигда геолитик сариқлик шаклланади.

Хулоса:

1. Инфекцион мононуклеозда жигарнинг заарланиши 78,3% ҳолатларда шаклланиб, 25,8% ҳолатларда сариқлик синдроми, қон зардобида

АЛТ қийматининг 3 баробаргача кўтарилиши билан намоён бўлади ҳамда унинг учраш даражаси этиологик омилга боғли: ЭБВ этиологиясида - 75,9% ҳолатларда, ЦМВ этиологиясида - 100,0% ҳолатларда юзага келади, ОГВ-6 вируси учун жигар заарланиш белгилари хос эмас.

2. ЦМВ этиологияли ИМН да сариқлик синдромининг юзага келиш эҳтимоли ЭБВ га нисбатан 13 баробарга юкори ҳамда паренхематоз сариқлик кузатилади, ЭБВ этиологияли ИМН га гемолитик сариқлик.

Адабиётлар:

1. Katherine Luzuriaga, M.D., and John L. Sullivan, M.D. Infectious Mononucleosis // N Engl J Med 2010.-362:1993-2000
2. Chovel-Sella A., et al. Incidence of rash after amoxicillin treatment in children with infectious mononucleosis // Pediatrics. – 2013. – № 131 (5). – P.1424–1427.
3. Solomay T. V., Semenenko T. A., Tutelyan A. V., Bobrova M. V. Yepidemiologicheskie osobennosti infeksiy, vyzvannoy virusom Yeps'hteyna-Barr //Jurnal mikrobiologii, yepidemiologii i immunobiologii – 2021. -Том 98, № 6. – S.685-693
4. Дроздова Н.Ф., Фазылов В.Х. Инфекционный мононуклеоз, обусловленный вирусом Эпштейна – Барр: клинико-патогенетические аспекты (обзор литературы) //Вестник современной клинической медицины 2018 Том 11, вып. 3.-С. 59-65
5. Зайцев, И.А. Гепатиты, вызванные вирусом Эпштейна – Барр // Здоров’я України 21 сторіччя: медична газета. – 2016. – № 9. С.52.

КЛИНИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ПОРАЖЕНИЯ ПЕЧЕНИ ПРИ ИНФЕКЦИОННОМ МОНОНУКЛЕОЗЕ У ДЕТЕЙ

Шермухамедова Г.Т., Таджисева Н.У.

Резюме. В данной статье проведено проспективное исследование (случай-контроль) 120 детей, находившихся на лечении с диагнозом инфекционный мононуклеоз в 1-й городской инфекционной больнице в период 2019-2022 гг. По результатам инфекционный мононуклеоз вызывается ВЭБ в 72,5%, ЦМВ в 23,3% и ОГВ-6 в 4,2% случаев. При инфекционном мононуклеозе поражение печени формируется в 78,3% случаев, и в 25,8% случаев проявляется синдромом желтухи, повышением значения АЛТ в сыворотке крови до 3 раз, причем степень его возникновения зависит от этиологического фактора: в 75,9% случаев при ВЭБ и в 100,0% при ЦМВ-этиологии, симптомы поражения печени не характерны для вируса ОГВ-6. При ИМН ЦМВ-этиологии вероятность синдрома желтухи в 13 раз выше, чем при ВЭБ, и наблюдается паренхиматозная желтуха, при ВЭБ-этиологии гемолитическая желтуха.

Ключевые слова: инфекционный мононуклеоз, печень, дети.